

## АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ ВА БУ СОҲАДАГИ МУАММОЛАР

**Б.М.Турсуналиев**

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий  
жиноятларга қарши курашиш департамент Фарғона вилоят бошқармаси Махсус  
бўлим катта инспектори, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш  
Академияси, магистратура факультитети сиртқи  
2-босқич талабаси*

**Аннотация.** Мақола Ўзбекистон Республикасида автомобиль йўллари қурилиши соҳасида бюджет маблағларини ўзлаштириш билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик хусусиятлари, уларни тергов қилиш усуллари ва амалиётдаги долзарб муаммоларга бағишланади. Соҳадаги коррупциявий хавф-хатарларнинг объектив сабаблари, жиноятларнинг “қоғозда” амалга оширилиши, кўп босқичли занжир характери, экспертизаларнинг ҳал қилувчи роли ва тергов жараёнининг ўзига хосликлари чуқур таҳлил қилинади. Шунингдек, тендер ва тендерсиз шартномаларнинг жиноий механизмлари, назорат ўлчовларининг ҳуқуқий мақомини ошириш, экспертиза муддатларини узайтириш каби таклифлар илгари сурилади.

**Калит сўзлар:** автомобиль йўллари қурилиши, бюджет мабларини ўзлаштириш, коррупция, криминалистик хусусиятлар, суд экспертизаси, тергов методикаси, тендер жараёни, назорат ўлчовлари, кешбек схемалари

**Аннотация.** Статья посвящена криминалистической характеристике преступлений, связанных с хищением бюджетных средств в сфере строительства автомобильных дорог в Республике Узбекистан, методике их расследования и актуальным проблемам практики. Глубоко анализируются объективные причины коррупционных рисков в отрасли, «бумажный» характер преступлений, многоэтапность их цепочечного механизма, решающая роль экспертиз и специфика процесса расследования. Также представлены предложения, включая анализ криминальных механизмов тендерных и внетендерных договоров, повышение правового статуса контрольных мероприятий и продление сроков проведения экспертиз.

**Ключевые слова:** строительство автомобильных дорог, хищение бюджетных средств, коррупция, криминалистическая характеристика, судебная экспертиза,

методология расследования, тендерный процесс, контрольные мероприятия, схемы возврата денежных средств.

**Abstract.** *The article is devoted to the forensic characterization of crimes involving the embezzlement of budgetary funds in the field of highway construction in the Republic of Uzbekistan, as well as to the methodologies for their investigation and the pressing challenges encountered in practice. The study provides an in-depth analysis of the underlying causes of corruption risks in the sector, the document-intensive (“paper-based”) nature of such offenses, their multi-stage and chain-like structure, the decisive role of forensic examinations, and the procedural specificities of the investigative process. The article also presents a number of proposals, including the identification of criminal mechanisms embedded in tender and non-tender contractual arrangements, enhancement of the legal status of control and oversight measures, and the extension of deadlines for conducting forensic examinations.*

**Keywords:** *highway construction, embezzlement of budgetary funds, corruption, forensic characterization, forensic examination, investigative methodology, tender procedures, oversight measures, illicit reimbursement schemes.*

Дунёда қурилиш соҳаси энг коррупциялашган соҳа сифатида таърифланади. “Transparency International” 2011 йилда эълон қилган “Порахўрлик тўловчилари индекси”да жамоат ишлари бўйича шартномалар ва қурилиш сектори пора олинмиш эҳтимоли юқори бўлган тармоқлар рўйхатида биринчи ўринни эгаллаган. Соҳадаги коррупция фирибгарликдан тортиб товламачиликка, ўзлаштириш ва бошқа суиистеъмолликларгача бўлган кўплаб қонунбузилиши турларини ўз ичига олади.

“Oxford Economics” қурилиш иқтисодчилари томонидан эълон қилинган “Global Construction Futures” тадқиқотида кўра, глобал қурилиш бозори жуда катта қийматга эга бўлиб, 2037 йилга келиб қарийб 14 триллион долларга етиши кутилмоқда. Қурилиш лойиҳаларининг ҳажми, ўзига хослиги, юқори ҳаражатлари ва кўп босқичли мураккаблиги туфайли қурилиш бошқа соҳаларга нисбатан коррупцияга кўпроқ мойил ҳисобланади<sup>172</sup>.

Автомобиль йўллари қурилиши ҳар қандай давлатнинг стратегик тараққиёти ва иқтисодий барқарорлигини таъминловчи асосий инфратузилма йўналишларидан биридир. Йўллар тизими мамлакат ички ва ташқи транспорт ҳаракатини таъминлаш, товар ва хизматлар айланмасини тезлаштириш, инвестицион муҳитнинг жозибадорлигини ошириш ва халқ фаровонлиги учун муҳим омил ҳисобланади.

<sup>172</sup> <https://www.constructionbriefing.com/news/how-much-will-the-global-construction-industry-be>

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда йўл қурилишига катта миқдордаги бюджет маблағлари йўналтирилмоқда ва бу соҳада фундаментал ислохотлар амалга оширилмоқда. Бироқ айни вақтда ушбу соҳа коррупцион хавф-хатарлар даражаси юқори бўлган тармоқлардан бири сифатида эътироф этилади. Бунинг асосий сабабларидан бири — қурилиш жараёнининг кўп босқичлилиги, молиявий ҳисоб-китобларнинг мураккаблиги, техник-лойиҳавий ҳужжатларнинг кўплиги, тендер жараёнларининг шаффоф бўлмаган ҳолатлари ва пудрат-субпудрат тизимининг узун занжирга эга эканидир.

Бошқа соҳаларга нисбатан йўл қурилишида коррупция ва ўзлаштириш ҳолатлари одатда “қоғозда”, яъни ҳужжатларда сохталаштириш, нархларни сунъий ошириш, бажарилмаган ишларни бажарилгандек кўрсатиш, қўшимча смета тузиш, сифатсиз материалларни қўллаш, тендер жараёнларини манипуляция қилиш каби усулларда намоён бўлади. Шу сабабли ушбу тоифадаги жиноятларни фош этиш стандарт тергов усуллари билан эмас, балки махсус криминалистик ёндашув билан амалга оширилади. Бунда суд-бухгалтерия экспертизаси, қурилиш-техника экспертизаси, геодезик ўлчовлар, лаборатория таҳлиллари, рақамли криминалистик тадқиқотлар, тендер платформаларидаги лот ва IP маълумотларини ўрганиш каби махсус илмий-амалий жараёнлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда суд экспертизаси институтининг ҳуқуқий асоси “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонун билан белгиланган бўлиб, у экспертиза жараёни, уни тайинлаш асослари, экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, экспертиза ҳулосасининг юридик аҳамиятини аниқ белгилаб беради. Айнан йўл қурилиши соҳасидаги коррупция ва ўзлаштириш жиноятлари жараёнида экспертиза турларининг роли ўта юқори. Жиноятларни эксперт ҳулосасисиз ҳақиқатни аниқлаш имкони мавжуд эмас.

Илмий ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, қурилиш соҳасидаги қонун бузилишлар йилдан-йилга мураккаблашиб, уларни аниқлаш ва фош қилиш катта меҳнат ва замонавий криминалистик ёндашувни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, прокуратура органлари қонунлар ижроси устидан назорат қилишнинг асосий институтидир. Қурилиш соҳасидаги жиноятларни тергов қилишда фақат жиноят ишини юритиш билан чекланмай, балки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишини, лойиҳавий ҳужжатлар қонунийлигини, назорат органлари фаолиятини ҳам қамраб олиши лозим. Тергов жараёнида экспертиза тайинлаш, назорат-ўлчов ишларини амалга ошириш, молиявий ҳужжатларни таҳлил қилиш, тендер жараёнлари ҳақида маълумот тўплаш, жиноят занжирининг барча иштирокчиларини сўроқ қилиш каби кўплаб вазифаларни амалга ошириш зарур бўлади.

Терговчи қурилиш билан боғлиқ жиноят ишини иш юритувига қабул қилиб олганда, биринчи навбатда объектда ўтказилган қурилиш ишлари бўйича тузилган шартномаларнинг хусусиятларига ҳамда тендер ёки тендерсиз берилганлигига алоҳида эътибор бериши лозим.

Йўл қурилиш жиноятлари аниқлаш ва уларни тергов қилиш бошқа жиноят турларидан фаркли равишда, қурилиш ва баҳолаш экспертизаси, суд-материялшунослик экспертизаси, суд-бухгалтерияси экспертизаси, Суд-хатшунослик экспертизаси, ҳужжатли тафтиш, назоратли ўлчов ва бошқа лаборатория текширувлари хулосаларига таянади.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни соҳадаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Ушбу норматив ҳужжат суд экспертизаси қонунчилиги бўйича бошқа қонун ҳужжатлари учун методологик хусусиятга эга.

Суд экспертизаси ҳақиқатни аниқлашга имконият берадиган далилларнинг универсал манбаи. Одил судловни амалга оширишда суд экспертизаси айти ҳақиқатни белгилаш учун муҳим аҳамиятга эга. У излар, ашёвий далиллар ва бошқа объектларнинг табиати ва миқдори, вақти, жойи ва механизми, шу билан бирга, жиноятчининг шахси, жиноятнинг содир этилишига имкон берган сабаб ва шароитлар ҳақида аниқ ва ишончли маълумотлар олишга имкон яратади.

Эксперт олдида қўйиладиган саволлар, унинг махсус билимлари доирасидан ташқарига чиқмаслиги лозим. Тадқиқот натижасида бериладиган хулосалар ҳам экспертнинг билим доираси билан чегараланади ва унинг ваколатидан ташқарига чиқмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунига асосан терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки судьянинг қарори, суднинг ажрими суд экспертизасини ўтказиш асосларидир.

Эксперт мазкур қарор (ажрим) билан танишиб чиққанидан сўнг, ташаббускордан тадқиқот учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни олиши керак. Қарорда (ажримда) экспертиза тайинлаш учун асос бўлган сабаблар, экспертизага юборилаётган ашёвий далиллар ва бошқа объектлар, уларнинг қачон, қаерда ва қайси ҳолатда топилганлиги ҳамда олинганлиги, иш материаллари бўйича экспертиза ўтказишда эса эксперт хулосаси асосланиши лозим бўлган маълумотлар, эксперт олдида қўйилган саволлар, экспертиза муассасасининг номи ёки экспертиза ўтказиш топширилган шахснинг фамилияси кўрсатилиши шарт. Шунингдек, унда берилган саволлар пухта шакллантирилган бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, эксперт ва терговчи ўртасида тизимли процессуал ҳамкорлик таъминланганда, экспертиза жиноятларни очишда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли терговчи тайинлаётган ва ўтказилаётган экспертизаларнинг имкониятларини тўлиқ билиши ва экспертга хулоса шакллантиришда аниқ саволлар қўйиб, хулосани тайёрлашида амалий ёрдам бериши лозим.

Суд-бухгалтерия экспертизаси Бюджет маблағлари ҳаракати акс этган барча ҳужжатлар (шартнома, қабул қилиш далолатномалари, КС-2, КС-3, ҳисоб-фактуралар) суд-бухгалтер томонидан таҳлил қилинади. Ошириб ёзилган ҳажмлар, сохта қабул далолатномалари, «ўлик жон»ларга тўловлар аниқланади. Мазкур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда Х.Сулаймонова номидаги экспертиза марказига юборилади. Экспертларга савол қўйишдан олдин, мазкур экспертизани ўтказувчи эксперт билан бевосита боғланиб, ўтказилаётган экспертизадан нима хохлаётганлиги ҳақида тушунтиришлар бериб, тайёрланаётган саволлар мазмуни ва мохиятни келиб болиш ҳамда юборилаётган ҳужжатлар турларини келишиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

1. Ҳисоботлардаги молиявий қонун бузилиш ҳолатлари мавжудми, мавжуд бўлса қандай қонун ва қонуности нормалар бузилган?

2. Солиқ қонунчилига риоя қилинганми, топширилган солиқ ҳисоботларида қонун бузилишлари мавжудми, солиқлар тўғри ҳисобланганми, электрон дастурларда шартнома ва ҳисоб-фактураларида кўрсатилган маблағлар банк-айланмасидаги маблағлар билан бир хилми, Солиқ кодексининг қайси нормалари бузилган?

3. Асосий воситалар, дебитор ва кредиторнинг келиб чиқиш сабаблари ва ундириш юзасидан чоралар кўрилганми, суний дебитор ёки кредиторни келтириб чиқариш белгилари мавжудми?

4. Ҳисоботларда номаълум ёки норасмий операциялар борми, бу операциялар компаниянинг молиявий аҳволига қандай таъсир қилган, молиявий ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги қандай?

5. Банк операциялари ва транзакциялар таҳлили қандай, солиқ тўловлари тўлиқ ва тўғрими, корхона активлари ва пасивлари қандай баҳоланади?

6. Ҳисоботларда бюджет қоидаларини бузиш белгилари борми, қандай ҳисоб-китоб усуллари қўлланилди?

7. Молиявий операциялар солиқ ва қонунчилик талабларига мосми, молиявий ҳолатнинг ўзгариши қандай сабаблар билан боғлиқ, корхонада ички назорат сифати қандай, корхонада рўйхатга олинмаган активлар борми каби саволлар қўйиш мақсадга мувоқ бўлади.

Суд-қурилиш-техник экспертизаси муҳандис-техникавий экспертизалар турларидан бири ҳисобланади. Лойиҳалаш, қурилиш, бино ва иншоотлардан фойдаланиш, баҳолаш бўйича билимлар ушбу экспертиза илмий асосларининг пойдеворини ташкил қилади.

Суд-қурилиш-техник экспертизасининг предмети иш бўйича фактик маълумотларни аниқлашдан иборат. Автомобиль йўлларининг аввалги техник ҳолати бўйича ҳужжатлар, йўлларнинг лойиҳалаштириш, қурилиш ва эксплуатация бўйича лойиҳа-смета ҳамда ишлаб чиқариш-техник ҳужжатлари, муҳандислик тармоқлари ҳамда объектнинг ўзи суд-қурилиш-техник тадқиқот объектларидир.

Суд қурилиш-техник экспертизасининг ҳал қиладиган масалалари:

- Автомобиль йўл қурилиш мўлжалланган меъёрий ҳужжатлар асосида ҳисоб усули билан бозор қийматини аниқлаш;
- Лойиҳа ҳужжатларида қўлланилган коэффитцентлар тўғри қўлланилганми
- Лойиҳа ҳужжатлари юзасидан ўтказилган экспертиза хулосаси асослими, қарама-қаршилиқ ёки хатоликларда умумийлик мавжудми
- ер майдонларининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи қийматини баҳолаши қандай;
- баҳоловчи ташкилотлар томонидан тузилган баҳолаш ҳисоботларининг Мулкни баҳолаш миллий стандартларига ва Ўзбекистон Республикаси меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ёки номувофиқлиги ўрганинг;
- объектларини баҳолаш бўйича тузилган ҳисоботларнинг илмий асослилигини текшириш.
- сметада иш ҳақиға кўрсатилган маблағлар ҳажми асослими;
- сметада механизм ва машиналар харажатлари асосли белгиланганми;
- сметада кўрсатилган иш ҳажмиға сарфланадиган қурилиш материаллари миқдори асослими;
- автомобиль йўл қурилиш қоидалари ва меъёрларига (ШНК–КМК) жавоб берадими;
- қурилган (ёки қайта қурилган) автомобиль йўл лойиҳаға тўғри келадими;
- бажарилган қурилиш, таъмирлаш ёки қайта қуриш ишлари лойиҳаға риоя қилинган ҳолда бажарилганми, Қурилишнинг техник ҳужжатлари тўлиқми?
- автомобиль йўлида қайта лойиҳалаштириш ишлари ШНК талабларига мосми;
- автомобиль йўлини чўкиш, намланиш, нотекис қурилиш ишлари натижасида юзаға келган шикастланишлар сабаблари;
- сув тошиш сабаблари (техник ва конструктив омиллар);
- қурилишдаги фалокатлар сабабларини аниқлаш каби саволлар бериш лозим.

Курилиш ва таъмирлаш ишларининг назорат ўлчовларини ўтказиш суд-курилиш-техник экспертиза экспертлари ваколатига кирмаганлиги сабабли, Назорат ўлчовлари мустақил мутахассислари томонидан ҳамда Департаментнинг Давлат молиявий инспекцияси ходимлари томонидан амалга оширилмоқда.

Назорат ўлчовларини ўтказиётган мустақил мутахассислари ҳамда Департаментнинг Давлат молиявий инспекцияси ходимлари назорат ўлчаш ҳаракатлари давомида лаборатория хулосалари ва йўл қурилишини назорат қилиш инспекторларининг хулосалари таянади.

Лаборатория текширувларини ўтказиётган лаборатория ходимларига қуйдаги саволларни қўйилди:

- Манзилда кўрсатилаётган жайда йўл қурилиш ишлари амалга оширилганми, амалга оширилган бўлса, унинг ўлчамлари қандай, смета ва лойиха ҳужжатларида кўрсатилган ўлчамга тўғри келадими?
- Автомобиль йўлининг лойиха, смета ва шакл-2 ҳужжатларида кўрсатилган физик ва техник ўлчамлари тўғрими, йўлнинг қалинлиги бўйича қатламлари миқдори қандай, лойиха, смета ва шакл-2 ҳужжатларига тўғри келадими?
- Мазкур объектни қуришда йўл қурилишга оид қонун ва нормаларга амал қилинганми, амал қилинмаган бўлса қайси норма бузилган?
- Тахлил қилишда қайси метод ва техник қурилмалардан фойдаланилди, олинган намуналар экспертиза ўтказиш учун етarliми каби саволлар қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Назорат ўлчовлари ўтказиётган мутахассисга смета ва лойиха ҳужжатларида кўрсатилган ўлчамларга буюртмачига иш бажарилганлиги кўрсатилиб, қабул қилиб олинган шакл-2 ҳужжатларидаги ўлчамларни солиштиришни ҳамда бажарилган иш жойидаги иш ҳажмининг иш турларига бўлиб назорат ўлчовидан ўтказиб, шакл-2 ҳужжатларига солиштирилиши, ШНК нормалари бўйича тайёрланган қурилиш китобларига мувофиқлигини ўрганиш вазифасини юклашнинг ўзи етарли деб ҳисоблайман.

Ўрганишлар натижасида қурилиш ва таъмирлаш ишларида назорат ўлчовларини ўтказиш бўйича мустақил мутахассислар хизматидан фойдаланиш амалиёти ҳамда улар томонидан тақдим этиладиган маълумотларнинг мутахассис хулосаси сифатида қабул қилиниши масаласини қайта кўриб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз. Шу муносабат билан, Йўл қурилиши инспекцияси ва Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциясини бирлаштириш, уларнинг фаолиятини тартибга солувчи ягона йўриқнома ва низомларни ишлаб чиқиш, янги низом доирасида қурилиш ва таъмирлаш ишларининг назорат ўлчовларини амалга ошириш, йўл қурилиш

жараёнларини мониторинг қилиш, шунингдек, архитектура-қурилиш назоратини таъминлаш бўлимларини ташкил этиш таклиф этилади. Бунда раҳбар ходимлар сонини оптималлаштириш, амалиётчи мутахассислар сонини ошириш ҳамда уларнинг бирлаштирилиши ҳисобига тежалган бюджет маблағлари асосида моддий-техника базасини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, лаборатория бўлимларини кенгайтириш, махсус лаборатория текширувлари ўтказиш учун замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва ушбу бўлим ходимларига эксперт мақомини бериш таклиф этилади. Амалга оширилган назорат ҳужжатлари ва лаборатория хулосаларининг Жиноят-процессуал кодекси нормаларига мувофиқ далил сифатида эътироф этилишини қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйиш ҳам зарур.

Автомобиль йўллари қурилиши соҳасида шахсларни айблаш учун асос бўладиган далиллар, аввало, ўтказилган экспертизалар ҳамда назорат ўлчовлари натижалари асосида шакллантирилишини инобатга олганда, ушбу текшириш турлари терговга қадар текширув жараёнида амалга оширилганда кўп вақт талаб этилувчи экспертиза ва техник назорат турларига киради. Шу боис Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасини 4-қисм билан тўлдириб, кўп вақт талаб этувчи қурилиш экспертизаси ва назорат ўлчовларини ўтказиш муддатини суриштирувчи, терговчи ёки терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг асослантилган қарорига биноан прокурор томонидан икки ойгача узайтириш имкониятини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, тергов ҳаракатлари давомида ўтказилаётган кўп вақт талаб этувчи қурилиш экспертизаси ва назорат ўлчовлари муддати умумий тергов муддатига қўшилмаслиги, мазкур тадбирлар амалга оширилаётган даврда ЖПКнинг 364-моддасига мувофиқ иш юритишни тўхтатиб туриш тартибини жорий этиш ва моддани тегишли равишда 5-банди билан тўлдириш зарур ҳисобланади.

Амалдаги техник ва жисмоний имкониятлар қисқа муддатда назорат ўлчовларини ўтказишга йўл қўймайди, бу эса соҳадаги процесуал қонун бузилишларини олдини олади, муддатларни такомиллаштириш ва ҳуқуқий механизмларни аниқ белгилаб қўйиш заруратини янада кучайтиради.

Суд экспертизаси – қурилиш-техника, бухгалтерия-иқтисодий, компьютер-техник ва материалшунослик – бу жиноятларни фош этишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Уларнинг узоқ муддатлилиги ва малакали мутахассислар етишмаслиги эса амалиётда асосий муаммолардандир. Замонавий технологиялар, жумладан блокчейн ва ягона рақамли реестрлар, тендер ҳужжатлари ва молиявий ҳаракатларнинг шаффофлигини таъминлайди.

Назорат ва ҳисобдорлик тизимларининг самарасизлиги, малакасиз техник назоратчилар ва жазо чораларининг етарлимаслиги коррупцияга замин яратади. Шу боис интеграциялашган экспертизалар, малакали экспертлар ва қатъий назорат орқали жиноятларнинг профилактикаси ва тергови самарали амалга оширилиши мумкин. Бу эса давлат бюджетининг мақсадли сарфланишини таъминлайди ва йўл инфратузилмасининг ривожланишига хизмат қилади.